


Иброҳим алайҳиссаломнинг дуолари



14:00 / 09.03.2019 6005

«Китобда Иброҳимни эсла. Албатта, у сиддиқ ва Набий бўлган эди»
(Марям, 41-оят).

Ҳозирги кунда миллиардлаб одамлар ҳаж ибодатини адо этишлари учун зиёрат қилаётган Каъбани бунёд этган Иброҳим алайҳиссалом Қуръонда номи энг кўп зикр қилинган Пайғамбарлардан биридир. Иброҳим алайҳиссалом ўғли Исмоил алайҳиссалом билан бирга бир неча асрлар аввал бино қилган Каъба ҳозирги кундан бутун дунё мусулмон уммати жамланадиган масканга айланган. Ота-бола пайғамбарлар Аллоҳнинг амрига бўйсуниб Байтуллоҳнинг пойдеворини кўтараётиб шундай дуо қилганлар:

«Иброҳим билан Исмоил: Эй Роббимиз, биздан қабул эт, албатта, Сенинг ўзинг эшитгуви, билгувчи Зотсан», деб байтнинг пойдеворларини кўтараётганини эсла» (Бақара, 127-оят).

Байтуллоҳ бунёд қилинган ер вақти келиб бутун дунё мусулмонлари зиёратгоҳи – диний марказига айлангани маълум. Бунинг учун Иброҳим алайҳиссалом шундай дуо қилганлар:

«...Эй Роббим, бу юртни омонлик юрти қилгин, мени ва болаларимни санамларга ибодат қилишимиздан четда қилгин» (Иброҳим, 35-оят).

«...Роббим, буни омонлик юрти қилгин ва аҳлидан Аллоҳга ва қиёмат кунига иймон келтирганларини мевалар ила ризқлантиргин»
(Бақара,126-оят).

Иброҳим ва Исмоил алайҳиссаломлар фақат ўзлари учун эмас, балки ўзларидан кейин келадиган зурриётлари учун ҳам дуо қилганлар:

«Роббимиз, икковимизни Ўзингга мусулмон бўлганлардан қил ва зурриётимиздан ҳам Ўзингга мусулмон уммат қил, бизга ибодатларимизни кўрсат, тавбамизни қабул эт. Албатта, Сен ўзинг тавбаларни кўплаб қабул этувчи, раҳимли Зотсан. Роббимиз, уларга ўзларининг ичидан уларга оятларининг тиловат қилиб берадиган, китобни ва ҳикматни ўргатадиган, уларни поклайдиган Пайғамбар юбор. Албатта, Сенинг Ўзинг азиз ва ҳикматли Зотсан» (Бақара, 128-129-оятлар).

Иброҳим алайҳиссаломнинг бошқа дуолари эса Аллоҳга яқинлашиши учун қилинган:

«Эсла, Иброҳим: «Эй Роббим, менга ўликларни қандай тирилтиришининг кўрсат», деганда, У Зот: «Ишонмадининг?» - деди. У: «Қалбим хотиржам бўлиши учун», - деди. У Зот: «Қушдан тўртта олгин-да, ўзингга тортиб, кесиб майдала, сўнгра, улардан ҳар бир тоққа бўлақларини қўйгин, кейин уларни ўзингга чақир, ҳузурингга тезлаб келадилар», - деди. «Ва билгинки, албатта, Аллоҳ азиз ва ҳаким Зотдир» (Бақара, 260-оят).

Оятда Иброҳим алайҳиссаломнинг Аллоҳдан ўликларни қандай тирилтиришини кўрсатишини исташи, у кишининг иймонидаги заифлик, Аллоҳнинг қудратига бўлган ишончидаги сустлик эмас. Аксинча у чин дилдан Аллоҳнинг мўъжизасини кўришни, уни кўриб иймонлари янада зиёдалашувини истаганлар. Шу сабабли Аллоҳ у зотнинг дуосини ижобат қилган.

Иброҳим алайҳиссаломнинг отаси бутпараст эди. У отасини Раҳмонга осий бўлган шайтонни дўст тутишдан қайтарган. Аллоҳнинг азоби тутишидан огоҳлантирган. Лекин отаси қабул қилмай, Иброҳим алайҳиссаломга тошбўрон қиламан деб таҳдид солган. Шундай бўлса ҳам Иброҳим алайҳиссалом оталарига шундай деганлар:

«...Омон бўл. Энди Роббимдан сени мағфират қилишини сўрайман. Албатта, У менга жуда ҳам лутфли, марҳаматлидир. Мен сизлардан

ҳам, Аллоҳдан ўзга илтижо қилаётган нарсангиздан ҳам четланаман ва Роббимга илтижо қиламан. Шоядки, Роббимга илтижо қилиш ила бадбахт бўлмасам» (Марям, 47-48-оятлар).

Иброҳим алайҳиссаломнинг отаси иймон келтирмаган бўлса ҳам ўғлининг уни ҳаққига дуо қилишининг асл сабаби Қуръонда шундай баён қилинган:

«Пайғамбарлар ва мўминлар учун дўзах эгалари эканлиги аён бўлган мушрикларга, агар яқин қариндошлари бўлса ҳам, истиғфор айтишлари дуруст эмасдир. Иброҳимнинг отаси учун айтган истиғфори унга берган ваъдаси устидан эди, холос. Вақтики, унга отасининг Аллоҳга душман эканлиги аён бўлганда, ундан воз кечди. Албатта, Иброҳим тазарруъли ва ҳалиймдир» (Тавба, 113-114-оятлар).

Бугун миллионлаб инсонлар тавоф этаётган Масжиди Ҳаром яъни Каъбага дастлаб жойлашган Иброҳим алайҳиссалом дуоларининг давомида шундай деганлар:

«Эй Роббимиз, ҳақиқатда мен зурриётимдан Сенинг Байтул Ҳароминг ёнига, гиёҳсиз водийга жойлаштирдим. Эй Роббимиз, намозни тўқис адо этишлари учун. Бас, Ўзинг одамлардан баъзиларининг қалбларини уларга талпинадиган қилгин ва уларни мевалардан ризқлантиргин. Шояд, шукр қилсалар. Эй Роббимиз, албатта, Сенинг Ўзинг махфий тутган нарсамизни ҳам, ошкор қилган нарсамизни ҳам яхши билурсан. Аллоҳ учун на ердаю на осмонда бирор нарса махфий қолмас. Кексалик пайтимда менга Исмоил ва Исҳоқни ато қилган Аллоҳга ҳамд бўлсин. Албатта, Роббим дуони эшитгувчидир. Эй Роббим, мени ва зурриётларимни намозни тўқис адо этадиганлардан қилгин. Эй Роббимиз, дуони қабул этгин. Эй Роббимиз, мени, ота-онамни ва мўминларни ҳисоб қилинадиган куни мағфират айлагин» (Иброҳим, 37-41-оятлар).

Кўриб турганимиздек Иброҳим алайҳиссалом дуода ҳам Аллоҳнинг сифатларини ёдга оляптилар, ҳам шукр қиляптилар. Аллоҳдан истаётган нарсалари У Зотга яқинлаштирадиган ва охиратда мағфиратга сабаб бўладиган нарсалардир.

(давоми бор)

«Қуръони каримга кўра дуо» китобидан